



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ - ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ СИФАТИДА

Исхакова Сарвар Аюбовна

СамИСИ рақамли иқтисодиёт кафедрасининг доценти (PhD).
isarvar@yandex.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a17

Аннотация

Мақола инновацион иқтисодиётни яратиш шароитида таълимни ислоҳ қилиш ва сифатини ошириш муаммоларига бағишланган. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳозирги кунда инновацион фаолиятнинг кишилиқ жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ролининг бениҳоя ошганлиги билан изоҳланади. Муаллиф билимларни жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик омили, унинг иқтисодиётнинг инновацион асосда тараққий эттиришнинг бош йўли эканлигини асослаб берган. Замонавий инновацион тузилмалар юқори технологияли маҳсулот ва технологияларни яратишда билим ва инновацияларни яратиш, тарқатиш ва ишлатиш орқали юқори рақобатбардошлиқни таъминлаши мумкин. Инновацион жамият иқтисодиёти инновацион таълим тизимларини талаб қилиши исботланган. Таълим тизими инновацияларга, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга мослашишга қодир бўлган, касбий ва хулқ-атвор малакасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаши керак. Эски таълим моделлари замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишда самарасиз эканлиги кўрсатилган. Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилиётган ислохотлар инновацион иқтисодий ривожланиш талабларига ва жамиятнинг замонавий эҳтиёжларига жавоб берадиган компетентликка асосланган ва шахсга йўналтирилган ёндашув ва инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимнинг инновацион табиатини таъминловчи тамойилларга асосланганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: билим, инновация, рақобатбардошлиқ, таълим, таълим тизими, таълим хизмати, таълим хизматлари бозори, меҳнат бозори, таълим сифати, таълим кластери.

Аннотация

Статья посвящена проблемам реформирования и повышения качества образования в условиях создания инновационной экономики. Актуальность темы исследования объясняется значительным повышением роли инновационной деятельности в социально-экономическом развитии общества. Автор обосновал, что знания являются стратегическим фактором социально-экономического развития общества, основным способом развития экономики на инновационной основе. Современные инновационные структуры могут обеспечить высокую конкурентоспособность за счет создания, распространения и использования знаний и инноваций при создании высокотехнологичных продуктов и технологий. Доказано, что экономика инновационного общества требует инновационных систем образования. Система образования должна обеспечивать подготовку специалистов с профессиональными и поведенческими навыками, способных адаптироваться к инновациям, социальным и экономическим изменениям. Доказано, что старые модели

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

образования неэффективны в решении задач современного социально-экономического развития. Подчеркнуто, что реформы, реализуемые в системе образования в Узбекистане, основаны на принципах компетентностного и личностно-ориентированного подхода, отвечающих требованиям инновационного развития экономики и современным запросам общества, и обеспечивают инновационный характер образования с использованием инновационных образовательных технологий.

Ключевые слова: знания, инновации, конкурентоспособность, образование, система образования, образовательная услуга, рынок образовательных услуг, рынок труда, качество образования, образовательный кластер.

Abstract

The article is devoted to the problems of reforming and improving the quality of education in the context of creating an innovative economy. The relevance of the research topic is explained by a significant increase in the role of innovation in the socio-economic development of a particular society. The author substantiated that knowledge is a strategic factor in the socio-economic development of society, the main way to develop the economy on an innovative basis. Modern innovative structures can ensure high competitiveness through the creation, dissemination and use of knowledge and innovation in the creation of high-tech products and technologies. It is proved that the economy of an innovative society requires innovative education systems. The education system should provide training for professionals with professional and behavioral skills, able to adapt to innovations, social and economic changes. It is proved that the old models of education are ineffective in solving the problems of modern socio-economic development. It is emphasized that the reforms implemented in the education system in Uzbekistan are based on the principles of a competency-based and student-centered approach that meet the requirements of the innovative development of the economy and the modern demands of society, and ensure the innovative nature of education using innovative educational technologies.

Key words: knowledge, innovation, competitiveness, education, education system, educational service, educational services market, labor market, education quality, educational cluster.

Кириш

Иқтисодий тараққиётда замонавий янги тенденциялар устуворлик қилиб, улар билим ва илм-фаннинг жамият ривожланишининг бебаҳо ва етакчи ресурсига айланганлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёт ривожланишининг кўп асрлик анъанавий омиллари ўзгариб, улар орасида инновациялар ва янги билимлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Билим ихтиро ва кашфиётларнинг сарчашмаси сифатида моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, хизматлар соҳасида ҳам том маънода янги ривожланишнинг асосий импулсига айланди. У жамиятда инсон турмуш даражаси ва сифатини, соғлиқни сақлаш даражасини, умуман кишилик жамияти юқори марраларини белгилашнинг бош мезони ҳисобланади.

Сифатли замонавий билимларга асосланувчи инновацион жамиятнинг иқтисодиёти юқори малакали мутахассислар сонининг узлуксиз ўсишини тақозо этади. Рақобатбардош, яратган товар ва хизматлари жаҳон бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлган миллий иқтисодиёт сифатли ишчи кучига ва рақобат курашида устунликни таъминлашга қодир инновацион таълим тизимига таянади.

Кейинги йилларда иқтисодиётни тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатимизда замонавий, илм-фан ютуқларига таянувчи инновацион

иқтисодий шакллантиришнинг биринчи даражали асосий шarti ҳисобланади. Пойдеворсиз иморат қуришнинг иложи бўлмаганидек, таълимсиз инновацион иқтисодий ҳам шакллантириб бўлмайди. Таълимнинг сифати қанча юқори бўлса, инновацион иқтисодий ҳам шунча тез шаклланади, мамлакат миллий иқтисодий яратилган маҳсулот илм-фан ютуқларига асосланган ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эришганлар. Буни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам ўзининг 1-октябрь Устоз ва мураббий кунига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтган: “...тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир” [1].

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, инновацион таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодий тармоқларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Илм-фан ютуқларига, сифат жиҳатидан тамоман янги техника ва технологияларга таянадиган инновацион иқтисодий шакллантириш иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан инновацион иқтисодий илмталаб харидоргир, юқори сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тақлиф этиш асосида ҳар бир бирлик қимматбаҳо ва ноёб иқтисодий ресурсларга кўпроқ миқдорда янги истеъмол қиймати яратишга қодир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Дастлаб таълим иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили, деган хулоса ХХ асрнинг ўрталарида америкалик иқтисодчилар Дж. Гэлбрейт, Дж. Грейсон и К. О’Деллар томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ж.Гелбрейт таълимга сармоя қилинган доллар темир йўллар, тўғонлар, машиналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган долларга қараганда миллий даромаднинг ўсишига кўпроқ олиб келади, деб таъкидлаган [3]. Ж. Грейсон ва К. О’Делл: “Таълим бевосита рақобатбардошлик билан боғлиқ. Ҳеч бир жамият юқори сифатли материалларсиз юқори сифатли маҳсулотларга эга бўла олмайди. Таълим инсон капиталини яратади, қайсики жисмоний капитал билан биргаликда ўсишни ва сифатни таъминлайди. Бу ҳар доим ҳақиқат эди, лекин глобал, техник жиҳатдан мураккаб иқтисодий учун эса икки баравар ҳақиқийдир”, деб айтиб ўтишган [4].

Инсон капитали назарияси Г. С. Беккер ва Т.У.Шульц томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар инсон капиталига инвестицияларни жисмоний капиталга инвестицияларга тенг, деб ҳисоблашни тақлиф этдилар [5]. Бу назария асосан таълимга инвестициялар сезиларли иқтисодий самара беришини исботлаш имкониятини вужудга келтирди.

Таниқли британиялик олим А.Меддисоннинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакат аҳолиси сонидан ўқимишли кишилар улуши қанча кўп бўлса, иқтисодий

Ўсиш суръати шунчалик юқори бўлади [6]. Шунга кўра, у қўйидаги боғлиқликни кашф этди, яъни таълимга сарфланадиган харажатларнинг 1 фоизга ошиши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,35 фоизга ўсишига олиб келади.

Таълим даражасининг иқтисодий ривожланишга таъсирига бағишланган илмий тадқиқотлар МДХ мамлакатлари олимлари В.А.Жамин, С.Л.Костанян, М.Л.Левицкий, С.Г.Струмилинлар томонидан олиб борилган. Жумладан, Струмилин ақлий меҳнатнинг қимматини ва таълимнинг халқ хўжалиги учун аҳамиятини асослаб берди. Бу хулоса шунинг учун ҳам муҳимки, 1920-йилларда аксарият мутахассислар ишчиларнинг меҳнатини олимлар, шифокорлар ва муҳандисларнинг меҳнатида кўра жамият учун анча фойдали, деб ҳисоблашган. С.Г. Струмилин нафақат бу афсонани йўқ қилди, аммо бунга тескари бўлган қонуниятни исботлади. Н.К. Алимova ва В.Н. Пугачнинг фикрларига кўра, айнан унинг ишланмалари совет даврида ўрта ва олий таълимнинг мисли кўрилмаган ўсиш суръатларига йўл очди [7].

В.А. Жамин ва С.Л. Костаняннинг асарларида таълим иқтисодиётининг назарий модели ишлаб чиқилди, улар уни иқтисодий фанлар тизимининг таркибий қисми деб ҳисоблаганлар [5]. В.А. Жамин: “таълимнинг миллий даромадга таъсирини ҳисоблаш жуда қийин, чунки таълим унга билвосита таъсир қилади, яъни малака ошириш орқали”, деб таъкидлаган. Лекин қийинчиликларга қарамай, В.А. Жамин ҳисоб-китобларни амалга оширди ва қуйидаги хулосага келди - мураккаб меҳнат, вақт бирлигида оддий меҳнатга қараганда кўпроқ қиймат яратиб, меҳнат унумдорлиги ва шунга мос равишда миллий даромаднинг ўсишини таъминлайди. Қолаверса, миллий даромаднинг малака ошириш билан боғлиқ ўсиши улуши 30,3 фоизни ташкил этади, деган хулосага келди [8].

Ўзбекистонда таълим ва таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг айрим масалалари Абдурахмонов Қ.Х., Магруппов А.Ю., Перегудов Л.В., Саидов М.Х. ва Нажмиддинов А.Ж. кабилар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инсон капиталини ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи олимлар К.Х.Абдурахмонов ва А.Ю.Магрупповлар инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий омили таълим, деб ҳисоблайдилар [9]. Улар инсон капиталига ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида қарашади [10].

Нажмиддинов А.Ж. ўз илмий ишларида: «Таълим инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Бугунги кунда у иқтисодий ўсиш ва илмий-техникавий тараққиётнинг ҳал қилувчи шартига айланиб бормоқда», деб таъкидлайди [11].

Иқтисодчи олим С. Чепель иқтисодий ўсиш сифатининг қашшоқлик даражаси, таълим, давлат институтлари даражасига боғлиқлигини [12], профессор Т.Шодиев эса аҳоли таълимининг, ахборот технологиялари даражасининг, диверсификация жараёнларининг иқтисодий ўсиш сифатига ижобий таъсирини асослаб беришган [13].

Юқорида номлари қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илм-фан ривожига қўшган салмоқли ҳиссаларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, таълим хизматларининг бозори чуқур тадқиқотларни талаб қилади. Айниқса таълим, унинг сифати ва инновацион тараққиёт ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик

муаммоларининг тадқиқоти жаҳон хўжалиги глобаллашуви шароитида биринчи даражали аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Мавзу таълим тизими ва унинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги алоҳида ўрни масалаларига бағишланганлиги сабабли, тадқиқот жараёнида энг аввало, мавзу доирасидаги мамлакат Президентининг қарор ва фармонлари, ҳукумат қарорлари билан белгиланган вазифаларга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, илмий мақола доирасида қуйидаги илмий усуллар қўлланилди: таълим тизимини ривожланиши бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мавзуси бўйича иқтисодчи-олимлар илмий мақолаларини назарий таҳлил қилиш усули.

Мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилиб, тадқиқот методологияси сифатида мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада, фаразни асослаш, қиёсий таҳлил ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Замонавий таълим тизими билан анъанавий таълим тизимининг принципал фарқларининг сабаблари таҳлил қилинган. Инновацион таълим моделининг тамойиллари ва стратегияларини шакллантиришда бозор механизмларидан фойдаланиш аниқланди.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий иқтисодиётнинг муҳим тенденцияси инновацияларнинг ривожланишининг асосий манбаига айланиши ва иқтисодий тараққиётда инсон капитали ролининг кучайиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий–иқтисодий комплекс ривожланиш Концепциясида - биринчи марта давлат даражасида қабул қилинган муҳим ҳужжатда ҳам рақобатбардошликни оширишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда инсон капиталининг юқори сифати ва илмий салоҳиятни ҳаракатга келтириш зарур эканлиги эътироф этилди [2].

Кенг кўламли иқтисодий ислохотлар доирасида мамлакатда изчил амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатга мувофиқ минтақаларнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши моддий ва табиий ресурсларнинг (фойдали қазилмалар, иқлим ва б.) борлиги билан баҳолаш амалиётидан уни илғор технологиялар, интеллектуал капитал, инновацион иқтисодиётга мос ижтимоий меҳнат муносабатларини ўрнатиш амалиётига ўтиш жараёнлари устуворлик қилмоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги ижтимоий–иқтисодий тараққиёт тарихи даврида давлат статистика Қўмитаси томонидан нашр этиладиган расмий статистик тўпламларда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида дастлаб таълим ҳамда касбий, илмий ва техник фаолият турларининг улушини яхшилаш имконияти вужудга келди. Расмий статистик тўпламларда дастлаб ўз аксини топган “фан ва инновациялар” бўлимида инсон капитали ва инновацион фаолият хусусида оз бўлсада, ҳар қалай айрим расмий статистик маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Мамлакатда инсон капитали ва инновацион тараққиёт муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган магистрлик ва докторлик ишларининг, илмий мақолаларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда инсон капиталининг мамлакат миллий бойлигини шакллантиришдаги муҳим ролини, унинг миллий бойлик мутлақ миқдори ва ўсиш

суръатларига таъсирини тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотлар сонининг кўпайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланади. Тадқиқотчилар инсон капиталини мамлакат миллий бойлиги миқдорини кўпайтириш, унинг таркибини сифат жиҳатидан такомиллаштиришнинг асосий воситаси сифатида қарашмоқлар.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон капитали ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг ва мамлакат ижтимоий маҳсулотини шакллантиришнинг етакчи омилига айланди. Айниқса иқтисодиёти устун ривожланган мамлакатларда унинг мамлакатда яратилган қийматдаги улуши жуда катта. Масалан, “Катта еттилик” ва Европа Иттифоқи мамлакатларида инсон капиталининг миллий бойликни шакллантиришдаги улуши 78 фоизни, ОПЕК давлатларида 47 фоизни, МДХда 50 фоизни ташкил этади (жадвал 1). Агар МДХ мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда инсон капиталининг ижтимоий маҳсулотни ва миллий бойликни шакллантиришдаги улуши аста секин, босқичма–босқич ривожланган Ғарб давлатлари даражасигача кўтарилмас экан, мамлакатни ижтимоий–иқтисодий тараққиётда ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш ғояси ҳам амалга ошмайди.

Жадвал 1.

XXI аср бошида жаҳон миллий бойлиги¹

Мамлакатлар	Миллий бойлик		Шу жумладан капитал турлари бўйича, фоизда		
	Жами, АҚШ трлн. долл.	Аҳоли жон бошига, АҚШ минг.долл.	Инсон капитали	Табийий капитал	Жисмоний капитал
Бутун жаҳон	550	90	67	16	17
«Катта еттилик» ва ЕИ мамлакатлари	275	360	78	4	18
ОПЕК	95	195	47	37	16
МДХ	80	275	50	38	12
Бошқа мамлакатлар	100	30	65	15	20

Замонавий иқтисодиёт – бу билимлар ва билимлилар иқтисодиётидир. Ушбу иқтисодиёт доирасида билимлар ва ресурсларга ўта тежамкор юқори технологик маҳсулотга, юқори сифатли ва нисбатан арзон, яъни рақобатбардош хизматларга айланади. Фундаментал билимларни кенг халқ оммаси ўртасида тарқатишни таълим тизими таъминлайди. Бугунги жамиятда таълим тизими ижтимоий институт сифатида фундаментал билимлардан ижтимоий тажрибани тарқатишнинг воситаси сифатида фойдаланади.

Илмталаб, қийматининг таркибида илм-фанга сарфларнинг улуши катта маҳсулотлар ва хизматлар яратишга асосланган инновацион иқтисодиёт замонавий таълимнинг ролини бениҳоя кучайтиради ва истиқболли ривожланиш стратегиясини белгилайди. Ривожланган мамлакатларда индустриал иқтисодиётнинг билимлар иқтисодиётига ўтиб бориши жараёнида эски таълим моделлари ишлаб чиқариш

кучларида юз бераётган ўзгаришларга мос келмай қолади ва натижада глобал муаммоларнинг ечими олдида самарасизлиги ва ожизлиги сезилиб қолади. Бу мавжуд таълим ва узлуксиз ўсиб боровчи ижтимоий–иқтисодий ривожланиш динамикаси ўртасидаги турғун нисбатнинг бузилишига, улар ўртасида номутаносибликнинг юзага келишига туртки беради. Шу сабабли таълим муассасалари фаолиятнинг барча соҳаларида инновациялар ривожланишига мослаштириш чораларини излаб топиш муҳим ҳисобланади.

Энг аввало, инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий тараққиётнинг зарурий ва ҳал қилувчи омили - нафақат касбий билимларга эга бўлган мутахассисларнинг, балки янги ғояларни ишлаб чиқувчи ва уларнинг амалга оширилишини таъминловчи мутахассислар бўлишини тақозо қилади. Улар инновацияларга, ноаниқлик шароитларида юқори даражада мослашишга қобилиятли, янги ахборотларга таянган ҳолда танқидий фикрлашга қодир, жамоада ишлашга мослашган бўлишлари зарур. Ушбу сифатлар таълим муҳитида, яъни ўқиш жараёнида, шунингдек, ташқи муҳитда ҳам эгалланиши мумкин. Бироқ бунда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини таъминловчи институт сифатида таълимнинг роли жуда юқори. Таълим жараёни ўзининг шакли, усуллари ва мазмуни билан таълим олувчининг ижодий қобилиятларини устун даражада ривожланиши, унинг мустақил, танқидий ва лойиҳавий фикрлашида намоён бўлувчи шахсий ривожланиши талабларига мос келиши муҳим.

Таълим хизматларига турли ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондириш ва прогнозлаш воситаси бўлган таълим муассасасининг фаолияти, таълим хизматлари бозори доирасида юз беради. Ушбу бозор инсоннинг ўзига хос эҳтиёжларини – билимларга эҳтиёжларини қондириш учун зарурий инфраструктура ва услубий таъминотга эга бўлган муассасалар, ташкилотлар ва индивидларнинг тизими ҳисобланади, у талаб, таклиф ва қиймат қонунларига бўйсунди.

Бундай фаолиятнинг маҳсулоти шахсий ўзгаришлар, шаклланган билимлар, ўқувчилар қобилиятининг ривожланиши ва касбий лаёқатлилиқ бўлиши мумкин.

Таълим муассасаси таълим хизматлари бозорининг субъекти ҳисобланади ва бошқа субъектлардан шу билан фарқланадики, унинг маҳсулотини (таълим хизматларини) яратишда истеъмолчилар бевосита қатнашади. Мўлжалланган натижага эришиш уларнинг шахсий фаоллигига боғлиқ бўлади.

Хизматлар соҳасидаги бизнес концепцияси истеъмолчи билан ўзаро шериклик муносабатларига асосланган бўлиб, таълим жараёнидаги самарали ҳамкорлик вазифаларига мос келади.

Шу тарзда таълим хизматлари, иқтисодий категория сифатида, уларнинг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, хизматлар соҳасидаги бизнесга хос бўлган белгиларни кўрсатади, яъни уларга нисбатан бизнесда анъанавий фойдаланиладиган усуллар қўлланилиши мумкин: ўзаро ҳамкорлик, ривожланиш, рақобат, имиджни шакллантириш ва хизматларнинг сифатини ошириш [14].

Янги XXI асрда олий таълим тизими самарали амал қилишининг асосий тамойиллари 1988 йилда ЮНЕСКОнинг Пекинда бўлган “Олий таълим ислохотлари соҳасидаги замонавий сиёсат” мавзусидаги семинарида шакллантирилган ва Болонья жараёни мақсадларига ва таълим соҳасида ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ва инновацион иқтисодиёт талабларига мос келади. Улардан таълимни

инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, узлуксиз таълим, таълимнинг инновацион характерини, шу жумладан инновацион маданиятни шакллантиришни таъминлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, таълимнинг инновацион характерини таъминлаш компетентли ёндошув, шахсга йўналтирилган ёндошув, инновацион таълим технологиялари асосида юз беради.

Ушбу стратегиялар ва тамойилларга мос ҳолда Ўзбекистон Республикасида олий касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда. Жумладан, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил қарорлар қабул қилиб, креатив фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 8 октябрь 2019 йил ПФ-5847-сонли ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 29 октябрь 2020 йил ПФ-6097-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли ва «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 20 январдаги ПҚ-2909-сонли Қарорлари қабул қилинган ва самарали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишда олий таълим муассасаларида мамлакатимизни янада ривожлантириш учун олдимизда турган устувор вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир ёшларни тарбиялаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш каби бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш, бунинг учун эса олий таълим муассасалари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қабул квоталарини шакллантириш, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан белгилаш тартибини жорий этиш, Олий таълим тизимида масофавий таълим шаклини жорий этиш орқали ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш ва бошқалар².

Шундай бўлсада, Ўзбекистон таълим тизимида бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуддир.

Бир томондан, муҳим таркибий қисмлар ҳисобланувчи таълим хизматлари бозори ва бошқа томондан – меҳнат бозорининг ўзаро мослашмаганлиги кўринади. Иш берувчилар билан алоқалар ўта заиф даражада эканлиги, меҳнат бозорининг ривожланмаганлиги таълимни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа эҳтиёжлари билан, битирувчиларни ишга жойлаштириш билан мос келмаслигига сабаб бўлмоқда.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида” ПФ-60 сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

Мамлакат инновацион ривожланишни амалга ошириш учун муҳандислар, техника соҳасида мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг етишмаслиги жуда сезиларли. Олий таълимнинг сифати ва тузилмаси меҳнат бозорининг талабларига мос келмайди. Ўртачадан юқори даромадли ва 1 млн аҳолига камида 20% ишлаб чиқариш саноати улушига эга бўлган мамлакатларда ўртача 1500-2000 нафар муҳандис ва табиий фанлар мутахассислари тўғри келади. Ўзбекистонда бугунги кунда ушбу кўрсаткич 1 миллион аҳоли учун 540 нафар мутахассисни ташкил этади³.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2019/ 2020	2021/ 2022
1. Олий таълим муассасалари сони	69	70	72	119	154
2. Улардаги талабалар сони, минг киши	264,3	268,3	297,7	441,0	808,4
3. 10000 аҳолига тўғри келадиган олий таълим муассасалари талабалари сони, киши	84	84	93	130	229
4. Олий таълим муассасаларига қабул қилинган талаблар сони, минг киши	63,0	61,2	63,0	138,1	235,9
5. ОТМ битирган мутахассислар сони, минг киши	66,3	64,1	67,4	70,8	103,9
6. Профессор-ўқитувчилар сони, киши	24909	23961	25107	30559	37364
7. Профессор-ўқитувчиларнинг умумий сонидан илмий даражага эга бўлганлар, фоизда	30,6	31,0	29,8	30,4	31,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015 ва 2021 йиллар мобайнида олий ўқув юртларининг сони қарийб 2,2 баробарга, битирувчилар сони 3,1 баробарга ошган. Бу эса олий маълумотлиларнинг аҳолининг умумий сонидagi улушининг ўсишига сабаб бўлмоқда (9,2%). Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 2020/2021 ўқув йилининг охирида 31,0% ни ташкил этди. Бироқ бу кўрсаткич аккредитация қилиш учун салоҳияти камида 50% бўлиши керак бўлган ҳорижий мамлакатлар билан солиштирганда ҳали анча паст даражада. Касбий тайёргарликнинг айрим йўналишлари бўйича олий ўқув юрти битирувчиларининг катта қисми мутахассислиги бўйича ишламайди. Бунга таълим сифатининг пастлиги ёки айрим касбларга талаб структурасининг кескин ўзгариши сабаб бўлмоқда. Натижада битирувчилар ўз ҳаётий стратегияларини тўлиқ даражада амалга ошира олмаяптилар.

Шундай қилиб, технологияларнинг ривожланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар оқибатида олинган билимларни касбий фаолиятда қўллашда ходимнинг қобилиятсизлиги намоён бўлмоқда. Бунинг натижасида эгалланган касбий билимлар эскиради, долзарблигини йўқотади, қўшимча ўқиш зарурияти пайдо бўлади. Бу эса вужудга келган ижтимоий ва таълим муаммоларини бартараф этиш усули сифатида шаклланган узлуксиз таълим тизимини талаб этади.

Янги моделга ўтиш ва таълим сифатини ошириш учун салмоқли давлат инвестициялари керак. Дастурий ҳужжатларда эълон қилинган, таълим ва инновациялар билан боғлиқ бўлган устуворликлар кўрсатилган муаммоларни ечишга имкон беради, бироқ бунинг учун маблағларни таълимга ва илмий тадқиқотларга

йўналтириш талаб этилади. Ўқув муассасаларини бюджетдан молиялаштиришнинг етарли эмаслиги уларнинг меъёрда ишлашига таъсир этади, илмий кадрларнинг кетиб қолишига олиб келади. Молиявий манбаларни излашга таълим фаолиятининг барча иштирокчиларини жалб этиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда таълимга йўналтирилган инвестициялар ривожланган мамлакатлардагига қараганда пастлиги инновацион ривожланишга тўсқинлик қилади.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда замонавий иқтисодиётда янги интеграллашган тузилмалар – кластерлар энг самарали ҳисобланади [15]. Кластер таркибига корхоналар, илмий–тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари киради. Кластерларнинг хусусияти шундан иборатки, илмталаб маҳсулотлар ва технологияларни яратиш учун улар билимлар ва инновацияларнинг интеграциясини қўллаиди, бу эса замонавий бозор шароитларида юқори рақобатбардошликни таъминлашга қодирдир. Мамлакатлар ўртасидаги рақобат курашида биринчиликни қўлга киритишда олий таълимнинг замонавий самарали тизими мавжуд бўлган мамлакатлар устуворликка эга бўладилар. Кластерларнинг самарадорлиги шунингдек, унинг таркибига шерикчилик, билимларни алмашлаш, ноу–хау, ахборот оқими асосида кирувчи барча структураларнинг ўзаро ҳамкорлиги характериға ҳам боғлиқ бўлади. Янги билимларнинг шаклланиши ва уларнинг кластер ичидаги эркин ҳаракати – унинг инновационлигининг муҳим омилдир.

Кластерлар назариясининг янада ривожланиши айрим корхоналар, минтақалар, мамлакатлар ва халқаро интеграцион бирлашмаларнинг рақобатбардошлигини ошириш эҳтиёжлари, инновацион ўсишнинг янги манбалари аниқланиши билан тақозоланади [16]. Маълумки, таълим тизимининг ривожланиши ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг ўсиб бораётган динамикасиға мослашишға улгурмаяпти. Иқтисодиётда инновацион кластерларни яратиш ва ривожлантириш тажрибаси таълимда айрим стратегик муҳим концепцияларни шакллантиришға имкон беради.

Хулоса ва таклифлар

Барқарор, истиқболли иқтисодий ўсиш стратегиясини амалға ошираётган янги Ўзбекистон учун билимларға асосланувчи ривожланган мамлакатларда кечаётган барча ўзгаришларға мослашишға тайёр, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашға қодир бўлган инновацион таълим тизимини шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Илмталаб маҳсулотлар ва хизматлар яратиш жараёнида рақобатнинг глобаллашуви замонавий таълимнинг ролини оширади ва стратегиясин белгилайди. Нафақат касбий билимға эга бўлган мутахассислар, балки янги ғояларни кучайтирувчи ва уларнинг амалий рўёбға чиқишини таъминлашға қодир бўлган мутахассислар талаб этилади. Улар инновацияларға қобилятлилиқка ва унинг натижаларидан муаммонинг тўғри, истиқболли ечимларини излаб топишға, ахборотни танқидий таҳлил қилишға, хулқ–атвор лаёқатларига эга бўлишлари зарур.

Эски таълим моделлари юз бераётган ўзгаришларға мослашишға улгурмаяпти, глобал муаммоларни ҳал этишда самарасизлиги кўринмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитларида таълим тизими таълим хизматлари сифатида чиқади, чунки жамиятнинг интеллектуал салоҳиятни қайта ишлаб чиқариш

эҳтиёжини таъминлайди. Унинг хусусияти шундан иборатки, ўқувчилар – таълим маҳсулотини оддийгина олувчилар эмас, балки унинг бевосита ишлаб чиқарувчилари ҳамдир. Ушбу ҳолатда ўзига хос маҳсулот – инсон ресурсларининг янги сифати ишлаб чиқарилади.

Таълим муассасасининг фаолияти таълим хизматлари бозори доирасида юз беради. Бу бозор инсоннинг ўзига хос эҳтиёжлари – билимга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун зарурий инфраструктурага эга бўлади.

Таълим хизматлари истеъмолчиларининг хулқ-атвори ўз хусусиятларига эга бўлади, чунки ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг шахсий иштирокига асосланади.

Таълим хизматлари иқтисодий категория сифатида хизматлар соҳасидаги бизнесга хос бўлган белгилар бўлишини кўрсатади, анъанавий ҳолда бизнес соҳасига хос бўлган усуллардан таълимда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши талабларига мос ҳолда шакллантирилган, олий таълим тизими самарали ишлашининг асосий тамойиллари, илгарилаб боровчи таълим, инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш ва узлуксиз таълим тамойиллари сифатида маълумдир. Улар инновацион таълим технологияларини фойдаланиш билан компетентли ва шахсга йўналтирилган ёндошувни рўйбга чиқаришда унинг инновацион характерини таъминлашга имкон беради.

Ушбу стратегиялар ва тамойилларга мувофиқ мамлакатда олий касбий таълим тизими ислоҳ қилинмоқда. Ушбу ислохотлар йўлидаги асосий муаммолар таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорининг келишилмаганлиги билан боғлиқдир. Таълимнинг янги моделининг муваффақиятли ривожланиши молиялаштиришга кучли даражада боғлиқдир бунинг йўлларида бири хусусий-давлат шерикчилиги бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
<http://uza.uz/posts/3452>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги қарори лойиҳаси, ID-9413-сон, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси, 24.02.2020 й.

3. Гэлбрейт Д. Экономические теории и цели общества / Под ред. акад. Н.Н. Иноземцева. – М.: Прогресс, 1979. – С.49.

4. Грейсон Дж., О'Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века / Пер. с англ. – М.: Экономика, 1991. – С.253.

5. Батьковский М.А., Божко В.П., Тельнов Ю.Ф. Оценка влияния образования на экономический рост государства и его инновационное развитие // Инновационное развитие российской экономики: I Междунар. науч.-прак. конф. / Моск. гос. ун-т экономики, статистики и информатики (МЭСИ); Гл. ред. Тихомирова Н.В.; Отв. ред. Егорова Е.А. – М., 2008. – 473 с. – С. 62–66.

6. Г.В.Семеко. Образование как фактор экономического роста. Ж. Экономические и социальные проблемы России. 2010. – С.45.
7. Алимova Н.К., Пугач В.Н. Экономика образования: Развитие взглядов // Экономика образования. – М., 2010. – № 1. – С. 20.
8. Жамин В.А. Экономика образования (вопросы теории и практики). – М.: Просвещение, 1969. – С.307, 313.
9. Абдурахманов К.Х., Магруппов А.Ю. Место и роль человеческого капитала в социально-экономическом развитии Узбекистана в условиях цифровизации экономики // Труды Евразийского научного форума. –2020. –С. 47–64.
10. Абдурахманов К.Х. Тенденции развития человеческого капитала в Узбекистане. Журнал Вестник Российского экономического университета им.Г.В.Плеханова. 2013.№8. -С.80-83.
11. Нажмитдинов А. Ж. Развитие человеческого капитала через доступное образование. Научные исследования и инновации в индустрии 4.0. Материалы I-Республиканской научно-технической конференции. -Ташкент, 13-15 марта 2022 года. -С.163-167. <https://doi.org/10.47689/4.v1i1.3536>
12. Чепель С. Экономический рост Узбекистана за годы независимости: факторы, проблемы и перспективы // Экономическое обозрение. 2003. № 6. С. 15–22.
13. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2011, № 1. URL: http://iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/23_T.Shodiyev..pdf
14. Челенков А. Конкурентоспособность на рынках интеллектуального сервиса / А. Челенков, М. Орлова // Маркетинг. – 2012. – № 5. С. 91-105.
15. Фишер М. Инновации, создание знания и инновационные системы / М. Фишер // Синергия пространства: региональные инновационные системы, кластеры и перетоки знания: сб. статей. – Смоленск: Ойкумена, 2012. - С.88-106.
16. Андреев В. Инновационное развитие экономики России в условиях глобальной конкуренции [Электронный ресурс] / В. Андреев. – URL: http://www.iep.ru/files/text/other/12_andr.pdf.